

Зафар ФАХРИДДИНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси таянч докторанти

МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЛУҒАТ ИЛМИГА ОИД АСАРЛАРИДА ИСЛОМ АҚИДАСИГА ТЕГИШЛИ МАСАЛАЛАР ЁРИТИЛИШИ

Жаннатмакон юртимизнинг ислом цивилизациясида тутган ўрни нафақат мусулмон олами, балки, бутун дунё илмий ҳамжамияти эътироф этар даражада бекиёсдир. Бу эътирофнинг амалдаги исботи ўлароқ ICESCO ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳри ва жорий 2020 йилда Бухоро шаҳри “Ислом маданияти пойтахти”, деб эълон қилинди. Юртимиздан етишиб чиққан алломалар силсиласининг узилмаслиги муҳаддислар пешвоси Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810 – 870 й.) вафоти йилида навбатдаги бир буюк Имом Абу Мансур Мотуридий (870 – 944 й.) таваллуд топгани билан чуқур рамзийлик касб этган. Имом Бухорий ҳадис илмига улкан ҳисса қўшган бўлса, Имом Мотуридий Калом ва ақида илмига бетакрор улуш киритди. Тасаввуфий билимлар соҳасида аллома мақомидаги Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) эса ўзининг юз йилдан ортиқроқ баракали умри давомида ҳар икки имомга замондош бўлган. Бухоро шаҳри эса у даврларда Мовароуннахрнинг маркази сифатида тан олинган¹.

Барча ислом олимлари асарларида у ёки бу даражада луғат илмига дахлдор масалаларга ҳам тўхталиб ўтилади. Жумладан, тафсирларда Қуръондаги баъзи сўзларнинг изоҳларига кенг ўрин ажратилган бўлса, ҳадис тўпламларида ҳам баъзи ҳадислардаги изоҳталаб сўзлар одатда муҳаддисларнинг ўзлари томонидан шарҳлаб кетилган. Бу ислом таълимотига оид муаммоз асарларга хос умумий хусусият, дейиш

мумкин. Ислом оламида йирик мутасаввиф олим сифатида танилган Муҳаммад Ҳаким Термизий ҳам ўзининг тафсир, фикҳ, ҳадис, ақоид, шариат назариёти, луғатшунослик каби бир қатор ислом илмларини камраб олган асарларида ҳам, у асар қайси соҳага оид бўлмасин, баҳс юритилаётган мавзунинг луғатларига тўхталиб ўтилишига гувоҳ бўлинади. Шу билан бирга, Ҳаким Термизий илмий меросида луғат илмига бағишланган алоҳида асарлар ҳам мавжуд. Бунга мисол ўлароқ “Таҳсил назоирил-Қуръон” (Қуръоннинг пурмаъно сўзларини ўрганиш), “ал-Фуруқ ва ман‘у-т-тародуф” (Фарқлар ва маънодошликнинг йўқлиги), “Баён ал-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуод ва-л-лубб” (Садр, қалб, фуод ва лубб сўзларининг фарқи) асарларини келтириш мумкин. Унинг луғат илмига қўшган ҳиссаси бир қатор тадқиқотчилар томонидан юксак баҳоланган. Араб олими Ражо Музайяннинг эътироф этишича, Ҳаким Термизий луғат соҳасида сўзларнинг илмий тадқиқига ҳам катта ҳисса қўшган ва бу хусусан, “Таҳсил назоирил-Қуръон” ва “ал-Фуруқ ва ман‘у-т-тародуф” асарларида яққол кўзга ташланади².

Шунингдек, Ҳаким Термизийнинг тафсири ҳам алоҳида тўхталиб ўтишга лойиқ. Ушбу тафсирни кўпчилик тадқиқотчилар шу кунга қадар йўқолган деб келаётган эди³. Ҳужвирий “Кашфу-л-махжуб” асарида Ҳаким

¹ Авайза К. Ал-Ҳаким ат-Термизий – ал-фақиҳ ан-нақид. Байрут: Дару-л-кутуби-л-илмия, 1993. – Б. 42

² Музайян.Р.М. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва манҳажуҳу-л-ҳадисий фи Навāдир ал-усул. Қоҳира: 1998. – Б. 35.

³ Ал-Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий Муҳаммад ибн Али – диросатун ли-осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира: Дору-н-нахзати-л-арабийя, 161.

Термизийнинг тафсири ҳақида зикр этган⁴. Уни ҳаётининг охириг палласида ёзишни бошлаб, якунига етказа олмаган. Сўнгги йилларда Ўзбекистонлик тадқиқотчи Ж.Чўтматов томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ушбу асар Туркиянинг Бурдур Миллий кутубхонаси фондидан топилди. Тадқиқотчининг тақдим қилган маълумотида кўра, асарда Фотиҳа сураси тўлиғича, Бақара сурасининг эса айрим оятларигина тафсир қилинган. Бақара сурасининг тафсирида ҳам оятлар тафсири мунтазам эмас, балки танланган оятлар тафсир қилинган. Тафсирда бошқа кўплаб масалаларга ҳам тўхталиб, турли саволларга ҳам жавоб қайтарилади. Қўлёманинг биринчи бетида “Китоб фиҳи тафсир сурати-л-Фотиҳа ва оёт мин сурати-л-Бақара ли-ш-шайхи-л-имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий”, деган ёзув борлиги қайд этилган. Кўчирилган вақти 549/1154, ҳажми 134 varaқ⁵. Ушбу тафсир ҳозирда нашрга тайёрланиб, замонавий нашр сифатида дунё юзини кўриш арафасида.

Ҳақим Термизийнинг мазҳаб ва ақидавий қарашлари алоҳида акс этган асари маълум эмас. Аммо манбаларда унинг турли фирқаларга раддия сифатида ёзилган рисоалари тўғрисида қайдлар мавжуд. Алломанинг меросини атрофлича ўрганган мисрлик олим Муҳаммад Жуёший ҳам ушбу масалага эътибор қаратиб, Ҳақим Термизий Калом илмига оид бирор мустақил асар ёзмагани ҳолда, рофизийларнинг ақидаларидаги айрим нуксонлар ҳақида “ар-Радд ала-р-рофиза”, муаттила фирқасига раддия ўлароқ битилган “ар-Радд ала-л-муаттила” каби асарларида муаллифнинг турли фирқаларга аҳли сунна нуктаи назаридан берган раддияларини акс этганини таъкидлайди⁶.

Ҳақим Термизий яшаган даврда Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби кенг тарқалаётган давр эди. Абу Бакр Воъиз Балхийнинг (ваф. XIII аср) «Фазоъилу-л-Балх» китобида қайд этилишича, Термиздан 80 км. масофадаги

Балхда илк аббосийлар давридаги барча қози ва уламолар ё Имом Аъзам Абу Ҳанифа ёки унинг шогирдлари Имом Муҳаммад Шайбоний, Имом Абу Юсуф ва Имом Зуфарларнинг бевосита издошлари бўлганлар. Демак, Балх ушбу минтақада ҳанафий мазҳабининг тарқалишида етакчи ўрин тутган⁷. Ҳақим Термизий ўзининг «Будувву-ш-шаън» номли автобиографик асарида шаҳарда узоқ вақт давомида истикомат қилганини ёзади. Шу билан бирга, Ҳақим Термизий асарларида кейинчалик Имом Мотуридий ва зотнинг издошлари томонидан қатъий тизимлаштириб чиқилган ҳанафий мазҳаби ақидаларига айнан ҳамоҳанг фикрлар кузатилади.

Бир қатор манбалардаги маълумотлар, Ҳақим Термизий ҳанафий мазҳабида бўлганига далолат қилади. Бу ҳақда Абулҳасан Жуллабий Али Хужвирий (ваф. 466/1073 ёки 470/1077 й.) ўзининг «Кашфу-л-махжуб» асарида: «Ал-Ҳақим фикҳни Абу Ҳанифанинг хос асҳобларидан бирининг қўлида ўрганди⁸», – деб ёзади. Ибн Арабий (560/1165 – 638/1240 й.) ҳам ўзининг «ал-Футуҳоту-л-Маккийя» асарида Ҳақим Термизийнинг ҳанафий мазҳабида эканини зикр қилиб, Хужвирийнинг ушбу маълумотини тасдиқлайди⁹. Ҳақим Термизийнинг ҳанафий мазҳабидан бўлгани унинг қўллаган ибораларидан ҳам англашилади, дейиш мумкин. Хусусан, у «Будувву-ш-шаън»нинг бошланиш қисмида муаллиф ўзи ҳақда “илму-л-осор ва илму-р-раъй”ни жамлаганини ёзади¹⁰. Жумладаги, “илму-л-осор” ҳадис илмини акс эттириб, одатда илк ҳанафий олимлар асарларида ҳадис “осор” сўзи билан ифодаланган. “Илму-р-раъй” эса кенг маънода ижтиҳод ва фикҳ илмини, тор маънода эса ҳанафий мазҳабининг ақлга таянувчи усулини англатади. Одатда, аҳли ҳадислар “раъй” билан шуғулланмаган.

⁷ Радтке Б. Теологи и мистики в Хурасане и Трансоксиании // Суфизм в Центр. Азии (зарубежные исследования). – Санкт Петербург, 2001. – С. 56.

⁸ Жамилий С, Сойих А. Ҳақим Термизийнинг «Навāди-ру-л-усул» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира: Дару-р-райъан ли-т-турас, 1988. – Б. 25.

⁹ Қаранг: Усмонов И. Ал-Ҳақим ат-Термизий таълимотининг Ибн ал-‘Арабий қарашларига таъсири // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 4/2003. – Б. 183 – 186.

¹⁰ Ат-Термизий ал-Ҳақим, Муҳаммад ибн Али. Будувуш-шаън (Ҳақим Термизий йўлининг бошланиши). Тарж. Ж.Чўтматов. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – Б. 26.

⁴ Ва тафрисе ибтидо карда будааст, умри тамом кардани он наёфт, бадон миқдорки кардааст миёни аҳли олам мунташир аст. Қаранг: Хужвирий, Али ибн Усмон. Кашфу-л-махжуб. Нашрга тайёрловчи Ф.Занжоний. – Б. 89

⁵ Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги. Тошкент: Фан, 2018. Б. 138.

⁶ Ал-Жуёший М. Ал-Ҳақим ат-Термизий Муҳаммад ибн Али – дирāsатун ли-асāриҳи ва афкāриҳи. Қоҳира: Дору-н-наҳзати-л-арабийя, 181.

Бундан ташқари, Ҳаким Термизийнинг фикҳ ва ақидада ҳанафий мазҳабида бўлганини унинг ақидавий қарашларидан билиб олиш мумкин. Хусусан, унинг «Баёну-л-фарқ» асарида иймонга қуйидагича таъриф берилган:

«Иймон жумҳур уламолар наздида ва шариатга кўра, Ҳақни тасдиқ этиш – қалб билан қабул қилиш ва тил билан тасдиқлашдир»¹¹. Иймон ўз зотида кўра, қуёш каби ноқис бўлмайди, лекин худди қуёш нурининг тафти ҳавода булут, туман, қаттиқ иссиқ ёки қаттиқ совуқ турганда камроқ бўлгани каби иймон нурининг тафти ҳам баъзи сабабларга кўра камаяди»¹².

Ҳаким Термизийнинг юқоридаги таърифи Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг «ал-Фикҳу-л-акбар» асаридаги иймон шартлари ҳақидаги ақидага тўлиқ мувофиқ келади¹³. Айтиш жоизки, бу ҳолат ўша даврдаги минтақада мавжуд бўлган шофейй ва аҳли ҳадисларнинг ақидаларига ҳамоҳанг эмас эди. Шунингдек, Ҳаким Термизий ўз асарларида уларнинг баъзи ёндошувларига очикчасига қўшилмаслигини баён қилган ва ҳатто уларнинг услубларини танқид қилган¹⁴.

Иймон масаласи Ҳаким Термизийнинг диний матнлар луғати, аниқроғи, Қуръон луғатига тегишли «Таҳсил назоири-л-Қуръон» (Қуръоннинг пурмаъно сўзларини ўрганиш) асарида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Ҳаким Термизий «Баёну-л-фарқ» асарида иймон масаласида «ал-Фикҳу-л-акбар»га мувофиқ, «икрор» шартини алоҳида қайд этиб ўтган бўлса-да, унинг сўзларидан тасдиқнинг бирламчи экани маълум бўлади. «Таҳсил назоири-л-Қуръон»да ҳам у иймоннинг тасдиқ эканига ишора қилади:

“Унинг [Қуръондаги] иймон сўзига келсак, бундай важҳдадир: “Унинг тафсири олдинги

бобга кириб бўлди. Тасдиққа [келсак] – чиндан ҳам, бу ўринда иймон тасдиққа эврилади. Чунки, тасдиқ қалбнинг ишидир. Чиндан ҳам, банда осойишталик ва барқарорлик топгандан сўнг тасдиқ этади. Барқарорлик ва осойишталик моҳиятини англаш ўша тасдиқдандир»¹⁵.

Дарҳақиқат, мотуридия ақидавий таълимотига кўра, иймон бу тасдиқнинг ўзидир. Аслида тил билан иқрор бўлмоқ ҳам амалнинг бир қисми ҳисоблангани ҳолда тўғридан-тўғри иймоннинг руқни ҳисобланмай, мўминнинг бу дунёда иймон эгаси ўлароқ ҳукм қилиниши учун керак бўлган шартдир. Яъни, мўминнинг иймони унинг иқрор бўлиши билан юзага чиқади ва унга шаръий масалалар бўйича ана шу иқрорига қараб муомала қилинади. Иқрорга қараб таомланиш, покликка риоя қилиш, никоҳланиш каби масалалардаги шаръий мажбуриятлар ва ҳуқуқлар келиб чиқади. Айни ёндошув Имом Мотуридийнинг Калом илмига оид шоҳ асари “Китобу-т-тавҳид”да ҳам ўз аксини топган:

“Сўнгра, Қуръон даллиллари ва иймон аҳли иттифоқ қилган ҳамда тилдан жорий бўлган нарсга орқали собит бўлдики, дарҳақиқат – иймон тасдиқдир»¹⁶.

Ҳаким Термизийнинг юқорида келтирилган иймон ҳақидаги қарашлари Имом Мотуридийнинг қарашлари билан солиштирилса, унинг ҳанафий мазҳабида бўлганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Бундан ташқари Ҳаким Термизий, ўз қарашларининг далили сифатида иймоннинг қалбдан туйиладиган туйғу эканини исботловчи бир қатор оятларни келтирган. Масалан, “Таҳсил назоири-л-Қуръон”да Хужурот сурасининг 7-оятида келган:

وَلَكِنَّ اللَّهَ حَبَّبَ إِلَيْكُمُ الْإِيمَانَ وَزَيَّنَهُ فِي قُلُوبِكُمْ

“...ва лекин Аллоҳ иймонни сизларга севимли қилди ва уни қалбларингизда безаб қўйди”... мазмунидаги жумла қуйидагича шарҳланган: “Чиндан ҳам, уни [иймонни] севги билан севимли қилди ва ақл билан бебади»¹⁷...

¹¹ Ат-Термизий ал-Ҳаким, Муҳаммад ибн Али. Байъану-л-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуъд ва-л-лубб. Нашрга тайёрловчи Юсуф Валид Маръий. Аммон: Муассасату Али-л-байт лил-фикр ал-исломий, 2009. – Б. 44.

¹² Ат-Термизий ал-Ҳаким, Муҳаммад ибн Али. Байъану-л-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуъд ва-л-лубб. Нашрга тайёрловчи Юсуф Валид Маръий. Аммон: Муассасату Али-л-байт лил-фикр ал-исломий, 2009. – Б. 60.

¹³ Қаранг: АбуҲанифа Ну‘мон. Ал-Фикҳ ал-акбар / С.М.Олтинхон Тўра таржимаси. – Т.: Адолат, 2003. – Б. 52.

¹⁴ Батафсил маълумот учун қаранг: Усмонов И., Фахридинов З. ваб. Тасаввуфга кириш. Тошкент: ЎзХИА, 2019. 4852.

¹⁵ Ат-Термизий ал-Ҳаким, Муҳаммад ибн Али. Таҳсил назоири-л-Қуръон. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зайдон. Қоҳира: Матбаату-с-саъда, 1970. – Б. 125.

¹⁶ Ал-Мотуридий, Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Самарқандий. Китобу-т-тавҳид. Нашрга тайёрловчи Б.Тўполўгли, М.Аручи. Истанбул-Байрут: Иршод, Дору Содир 2001. – Б. 426.

¹⁷ Ат-Термизий ал-Ҳаким, Муҳаммад ибн Али. Таҳсил назоири-л-Қуръон. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зайдон. Қоҳира: Матбаату-с-саъда, 1970. – Б. 124.

Ҳаким Термизий иймонни тасдиқ деб, тасдиқ эса “феълу-л-қалб” – қалбнинг иши эканини қайд этганидан кўrsa бўладики, у амални иймоннинг бир қисми деб ҳисобламаган. Шу билан бирга, иймон ҳиссиёт орқали туйиладиган ва ақл орқали англанадиган туйғу эканини ҳам таъкидлаб ўтган. Алломанинг асарларида ақидавий масалаларни ёритишда ақлга урғу берилиши ҳам Имом Мотуридий ва мотуридия таълимоти билан уйғунликнинг яққол намунасидир. Мотуридияга кўра, Аллоҳни таниш шаръан вожибдир, лекин ақл таниш вожиб бўлишининг воситасидир. Хусусан, Имом Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли-с-сунна” тафсири муқаддимасида у зотнинг шундай деганлари келтирилади:

“Оқил (ақлини таниган) болага Аллоҳ таолони таниш вожиб бўлиб, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло инсонларни уларда мавжуд ақллар билан Ўзининг ваҳдонияти ва рубубиятини танийдиган фитратда яратган¹⁸”.

Юқорида келтирилган жумлалар, Ҳаким Термизий ва Имом Мотуридийнинг ақидавий қарашларида мунтазам ҳамоҳанглик борлигини кўрсатади. Ақл иймонни вожиб қилувчи шартлардан бири экани бевосита Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашларига бориб тақалади. Имом Мотуридийнинг издоши Имом Абу-л-Баракот Насафийнинг ҳанафий мазҳабида юксак эътиборга эга “Мадорик” номли тафсири шарҳида, бу қараш бевосита Абу Ҳанифанинг сўзларидан келиб чиққани мисоллар билан келтириб ўтилган. Улардан бирида шундай дейилади:

“Агар Аллоҳ таоло пайгамбар юбормаганда ҳам халққа Уни ақллари билан таниш вожиб бўларди¹⁹”.

Маълум бўладики, ақл маърифат ва иймонни ҳосил қилишнинг асосий воситаси экани ҳанафий мазҳаби шаклланган вақтларданок ақидавий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Ақл ва нақлни тенг мақомда кўриш мотуридия таълимотининг таянч хусусиятларидан бири бўлиб, бу ёндошув бевосита Қуръон оятлари, саҳиҳ ҳадислар ва хулафои рошидин амалиётига

бориб тақалади. Қуръони каримнинг Мулк сураси 10-оятида айна мазмун бор:

وَقَالُوا لَوْ كُنَّا نَسْمَعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ
السَّعِيرِ

“Ва: “Агар эшитган ёки ақл ишлатган бўлганимизда дўзах эгалари ичра бўлмас эдик”, – дедилар”.

Юқоридаги оятда “эшитган” (نَسْمَعُ) феъли нақлий далилга, “ақлини ишлатган” (نَعْقِلُ) феъли ақлий далилга ишора қилади. Яъни қадимда “раъй” деб номланган ақлоният (рационализм) услуби бевосита исломнинг муқаддас манбаларидан келиб чиққан ва уларга асосланган. Бу эса, бугунги кундаги айрим жоҳил тоифалар динда ақлнинг ўрнини инкор қилиб, “ақлга таяниш мўътазилийларнинг услуби экани” қабилдаги даъволари пучлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар икки алломанинг асарларини чуқур тадқиқ ва тарғиб қилиш исломнинг маърифатпарвар моҳиятини очиб бериш ҳамда турли мутаассиб гуруҳларга қарши маънавий курашда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Имом Мотуридий ва Ҳаким Термизий қарашлари ўртасидаги мутаносиблик масаласида яна бир жиҳат бор. Икки алломанинг бир-бири билан учрашгани ёки бошқа услубда мулоқот қилгани тўғрисида ҳеч қандай маълумот етиб келмаган. Гарчи, Ҳаким Термизийнинг бизгача сақланиб қолган асарларида ўлка мутакаллимлари ҳақида бирор гап учрамаса ҳам, келтириб ўтилган ва бошқа кўплаб мисоллар Ҳаким Термизийни айнан ҳанафий-мотуридия ақидаси билан яқдил олим сифатида гавдалантиради. Бундан Мовароуннаҳрдаги ҳанафийларнинг бир-бирдан алоҳида илмий фаолият юритган тақдирда ҳам, уларнинг фикрий ва ақидавий қарашлари уйғун тарзда ривожланган, – деган хулосага келиш мумкин.

Ҳаким Термизийнинг фикхий қарашларида ҳам ҳанафийлик мавқеи яққол кўзга ташланади. Ҳаким Термизийнинг энг яқин шогирди Абу Бакр Варроқ Термизий (ваф. 906 – 907 й.) ҳанафий уламолари табақотида зикр этилган²⁰.

¹⁸ Ал-Мотуридий, Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Самарқандий. 1/Таъвилот аҳли-с-сунна. Нашрга тайёрловчи М.Басаллум. Байрут: Дару-л-кутуби-л-илмия, 2005. – Б. 176.

¹⁹ Қаранг: ал-Ҳиндий, Муҳаммад ибн Абдулҳақ ал-Ҳанафий. Ал-Иклил ‘алā Мадāрики-т-Танзил ва ҳақāики-т-таъвил. Байрут: Дару-л-кутуби-л-илмия, 1971. – Б. 310.

²⁰ Қаранг: Лахнавий, Абдулҳай. Фавā’иду-л-баҳийя фи тарāжими-л-ҳанафийя. – Байрут: Дару-л-Аркам, 1998. – Б. 52 – 53.

Шунингдек, Ҳаким Термизий ҳадисларни саралаш борасида санадан ташқари, матнга ҳам эътибор қаратиш лозимлигини кўп бора таъкидлайди. Бир вақтнинг ўзида минтақадан ҳадис аҳлининг энг таниқли вакиллари Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Доримий ва бошқа бир қанча буюк муҳаддислар етишиб чиққанига қарамадан, бу ерда раъй аҳлининг мавқеи анча баланд эди. Буни сиёсий-ижтимоий вазият билан бирга албатта минтақадаги ҳанафий мазҳаби уламоларининг самарали фаолиятининг натижаси, деб баҳолаш мумкин.

“Аҳли раъй” вакили сифатида Ҳаким Термизий “аҳли ҳадис” амал қилган анъанавий услубдан тубдан фарқ қилувчи ҳадисларга муносабати минтақада мавжуд икки кучли йўналиш ўртасидаги услубий фарқларни акс эттирган. Ҳаким Термизий ҳадисларга аҳли ҳадис нуқтаи назаридан эмас, балки аҳли раъй нуқтаи назаридан мурожаат этади. Чунончи, у аҳли ҳадис ровийлари каби фақат ҳадисни ривоят қилиш билан чекланмасдан, ҳадиснинг асл моҳиятини англаб етиш, уни тўлиқ идрок этишга ҳаракат қилади. Жумладан, Ҳаким Термизий санадларини ёдлаш билан чекланиб, маънога эътибор бермайдиганлар ҳақида шундай дейди:

«Улар иснодларини, ривоят йўллариини ёдлайдилар, ровийларни таҳлил қилиш, уларнинг иллатларини топишга зўр берадилар. Лекин ҳадисларнинг маънолари, лафзлари уларнинг диққат эътиборидан четда қолди. Қанча ҳадислар сўзлари ўзгариб кетиши оқибатида мазмунидан узоқлашиб кетди. Улар бунга эътибор ҳам бермадилар, бу нарсаларни тадқиқ этишдан кўра ровийларнинг танқиди билан ўралашиб қолдилар»²¹,

Бу муносабат билан Ҳаким Термизий муҳаддисларнинг ҳадис сихҳатига қўйилган шартлари, асосан, санад ва ровийларни тафтиш қилишга қаратилгани, матн иккинчи даражада тушиб қолаётганига эътибор қаратади. Шунингдек, ҳадисларни фақат ривоят қилиш билан чекланмасликка чақириб, ҳадисларни талқин қилиш, шарҳлаш ва уни ҳаётга қандай татбиқ қилиш услубларини ишлаб чиқиш

мақсадга мувофиқ эканини бир қанча мисоллар билан исботлаб беради²².

Келтириб ўтилганларни барчасини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– Ҳаким Термизийнинг ҳадисларга муносабати унинг “раъй” аҳлидан бўлгани туфайли, муҳаддисларникидан кескин фарқ қилган;

– Ҳаким Термизий ва Имом Мотуридий ақидавий ва фикҳий жиҳатдан бир мазҳаб вакиллари бўлган. Ҳаким Термизийнинг назарий ёндошув ва қарашлари ҳанафий мазҳаби асосида юзага келган;

– Ҳаким Термизийнинг ҳанафий мазҳабида бўлганини бир қатор мумтоз ислом манбалари тасдиқлайди. Биргина, Тожуддин Субкий (ваф. 1370 й.) Ҳаким Термизий шофей мазҳабида бўлганини қайд этса-да, бу ҳолат катта эҳтимол билан чалкашлик натижасида юзага келган, дейиш мумкин²³;

– Ҳаким Термизий асарлари таҳлили унинг ақидавий қарашлари Имом Мотуридий қарашлари билан ҳамоханг эканини кўрсатади;

– Ҳаким Термизийнинг фикҳий ва ҳадисларни саралаш борасидаги мавқеи ҳам муҳаддисларникидан кўра фақиҳларнинг ёндошувига мос келади. Шу жиҳатдан тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, ҳар икки аллома ҳамфикр, ҳаммаслак ва ҳаммазҳаб бўлган.

Демак, Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан алломалар баъзи ўринларда ҳамфикр, баъзи ўринларда эса сафдош, айрим ҳолларда турли фикрларга эга шахслар бўлганлар. Бухоро, Самарқанд, Термиз, Насаф каби йирик шаҳарлар бу ўринда моддий ва номоддий маданият ва кадриятларни ўзида жамловчи маданий марказлар ўлароқ қад кўтариб турган. Шу сабабдан кўҳна шаҳарларимиз ICESCO томонидан бирин-кетин “ислом маданияти пойтахти” деган унвон ва ҳақли эътирофга сазовор бўлаётгани бежиз эмас. Барча эътирофларнинг замирида эса буюк аллома аждодларимизнинг бебаҳо мерослари ётибди.

²¹ Авайза К. Ал-Ҳаким ат-Термизий ал-фақиҳ ан-нақид. Байрут: Дару-л-кутуби-л-илмия, 1993 – Б. 52.

²² Қаранг: Усмонов И., Фахриддинов З. ва бош. Тасаввуфга кириш. Тошкент: ЎзХИА, 2019. 48-52.

²³ Қаранг: Тожуддин ас-Субкий. Табақату-ш-шафи’ийя ал-кубрā. 6 томлик / Мустафо Аҳмад Ато нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дару-л-кутуби-л-илмия, 1999. Т. I. – Б. 449.